



ЗАМОНАВИЙ БОСҚИЧДА БАНК СЕКТОРИНИНГ ТРАНСФОРМАЦИЯСИ ВА РИВОЖЛАНИШИ

и.ф.н., проф. Азларова Азида Ахроровна

Тошкент давлат иқтисодиёт университети

ORCID: 0000-0002-4873-7998

aziza.azlarova@mail.ru

Аннотация. Мақолада Ўзбекистонда замонавий босқичда банк секторининг трансформацияси ва ривожланиши, унинг ўзига хос хуқуқий жиҳатлари ҳамда хусусиятлари, бу борада мавжуд муаммолар амалий маълумотлар асосида ўрганилган. Олиб борилган тадқиқот юзасидан амалий таклиф ва илмий тавсиялар ишлаб чиқилган.

Калит сўзлар: банк, молиявий оммабоплик, банк, депозит, кредит, онлайн микроқарз, рақамли трансформация, мижоз, молиявий саводхонлик.

ТРАНСФОРМАЦИЯ И РАЗВИТИЕ БАНКОВСКОГО СЕКТОРА НА СОВРЕМЕННОМ ЭТАПЕ

к.э.н., проф. Азларова Азида Ахроровна

Ташкентский государственный экономический университет

Аннотация. В статье рассмотрены трансформация и развитие банковского сектора в Узбекистане на современном этапе, его специфические правовые аспекты и особенности, а также были изучены существующие проблемы на основе практических данных. На основе проведенных исследований разработана практические предложения и научные рекомендации.

Ключевые слова: банк, финансовая доступность, банковское дело, депозит, кредит, онлайн-микрозайм, цифровая трансформация, клиент, финансовая грамотность.

TRANSFORMATION AND DEVELOPMENT OF THE BANKING SECTOR AT THE MODERN STAGE

PhD, prof. Azlarova Aziza Axrorovna

Tashkent State University of Economics

Abstract. The article examines the transformation and development of the banking sector in Uzbekistan at the present stage, its specific legal aspects and features, as well as the existing problems based on practical data. Based on the conducted research, practical proposals and scientific recommendations have been developed.

Keywords: bank, financial accessibility, banking, deposit, loan, online microloan, digital transformation, client, financial literacy.

Кириш.

Ўзбекистонда сўнгги йилларда банк тизимини янада ривожлантириш мақсадида қатор ислоҳотлар амалга оширилди. Жумладан, валюта бозори либерализацияси, Марказий банк томонидан инфляцион таргетлаш режимига ўтилиши, пул муомаласи ва тўлов тизимидағи ўзгаришлар, давлат банкларини трансформация қилиш ва хусусийлаштириш жараёнлари амалга оширилмоқда. Шу билан бирга, замонавий босқичда банк секторининг трансформацияси ва ривожланишини ортга тортаётган баъзи муаммолар мавжуд, жумладан аҳолини молиявий хизматлар билан кенгроқ қамраб олиш, истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ва молиявий саводхонликни ошириш каби в.хк.

Адабиётлар шарҳи.

Жаҳонда бўлаётган ўзгаришлар, глобаллашув жараёни, рақобатбардошликтин ортиши, тижорат банкларининг трансформация жараёнини янада фаоллаштириш, мижозларга кўрсатилаётган банк хизматларини ривожлантириш заруратини юзага келтирмоқда.

Хорижлик иқтисодчи олим Кронк (2019) нинг фикрича, кўплаб банк мижозларининг банк хизматларидан қониқмасликларини олдини олишда, рақамли трансформация молия тизимининг “кутқарув айланаси” ҳисобланади.

Банк секторининг трансформацияси ва ривожланиши, тижорат банкларининг мижозларга кўрсатаётган хизматлар кўламини кенгайтириш, янги банк хизматларини жорий этиш масалалари кўплаб иқтисодчи олимлар томонидан ўрганилган. Жумладан, Абдуллаева (2017), Бобоқулов, Тоймуҳамедов (2020), Бердияров ва бошқалар томонидан тадқиқ қилинган.

Бу борада Президент Мирзиёев (2023), “Янги Ўзбекистонда янги банк тизими бўлади. 2025 йилга бориб, давлат улушини 70 фоиздан 40 фоизга туширишимиз керак,” деб таъкидлаб ўтди.

Банк секторининг трансформацияси ва ривожланиши борасида бир қатор маҳаллий ва хорижий иқтисодчи олимлар изланишлар олиб боришган. Мазкур мавзу доирасида, Тоймуҳамедов (2020) банк хизматларини кўламини кенгайтириш аҳоли томонидан молиявий хизматларга бўлган талаб ва молия институтларининг таклифига мос келиши керак деб таърифлайди.

Шу билан бирга, бугунги рақамли трансформациялашув шароитида тижорат банкларининг рақобатбардошлигини тадқиқ қилиш масалаласи долзарб масалалардан ҳисобланади.

Тадқиқот методологияси.

Ушбу мақоланинг назарий ва услубий асоси сифатида умумиқтисодий адабиёт ҳамда илмий мақолалар, иқтисодчи олимларнинг илмий ишлари, замонавий босқичда банк секторининг трансформацияси ва ривожланишини такомиллаштиришда олимлар ва соҳа вакилларининг иқтисодий қарашлари, уларнинг фикр-мулоҳазаларини таҳлил қилиш, эксперт баҳолаш, жараёнларни кузатиш, иқтисодий ҳодиса ва жараёнларга тизимли ёндашув, муаллиф тажрибалари билан қиёсий таҳлил ўтказиш орқали тегишли йўналишларда хulosса, таклиф ва тавсиялар берилган.

Таҳлил ва натижалар муҳокамаси.

Ўзбекистон Республикаси банк тизими бугунги кунда банк хизматларининг анъанавий соҳалари - кредитлаш, депозит операциялари, ҳисоб-китоб ва касса каби хизматларини кўрсатувчи 36 та тижорат банкидан (2025 йил 1 январь холатига) ташкил топган. Банк тизимида давлатнинг устун мавқеи, банкларнинг турли давлат дастурлари ва корхоналарини молиялаштириш учун воситачи сифатида фаол жалб қилиниши

натижасида банк тизимида йирик тижорат банкларининг тармоқдаги замонавий талабларга мувофиқ трансформация жараёнларида ортда қолиши, корпоратив бошқарув стандартлари, ахборот технологиялари маҳсулотлари, активлар ва пассивларни бошқариш, мижозлар билан алоқа қилиш бўйича замонавий усулларни амалиётга жорий қилишда кечикиши каби муаммолар вужудга келмоқда.

Мавжуд муаммоларни баратраф этиш мақсадида, Ўзбекистон Республикасининг 2020-2025 йилларга мўлжалланган банк тизимини ислоҳ қилиш Стратегияси (Lex.uz, 2020)қабул қилинган. Мазкур Фармонда замонавий банк тизимини шакллантириш, банкларнинг инвестициявий жозибадорлигини ошириш ва банк хизматларининг янги стандартларини жорий этишга қаратилган банк тизимида комплекс ўзгартиришларни амалга ошириш вазифаси белгиланган.

Молиявий хизматларнинг оммаболигини ошириш аҳоли ва тадбиркорлик субъектлари, шу жумладан, етарли даражада хизмат кўрсатилмаётган сегментлар учун банкнинг базавий хизматларидан фойдаланиш имкониятини кенгайтиришда тизимли аҳамиятга молик банкларнинг ўрни алоҳида аҳамият касб этади. 2025 йил учун аҳамиятга молик банклар рўйхатидан қуидаги банклар ўрин олган (Марказий банк, 2025):

1. “Ўзмиллийбанк” АЖ
2. “Агробанк” АТБ
3. “Ўзсаноатқурилишбанк” АТБ
4. АТ “Халқ банки”
5. “Ипотека-банк” АТИБ
6. “Капиталбанк” АТБ
7. “Асакабанк” АЖ

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки бошқарувининг 2023 йил 18 февралдаги қарори билан "Тизимли аҳамиятга молик банкларни аниқлаш тартиби тўғрисидаги низом"га (2023) кўра, республика банк тизими барқарорлигига сезиларли таъсир қилиши мумкин бўлган тизимли аҳамиятга молик банклар тўртта мезон асосида аниқланади.(1-расм).

-
- 1** •**Банкнинг актив ва мажбуриятлари ҳажми** – банк активлари ва балансдан ташқари моддалари ҳажмининг барча банклар умумий активлари ва балансдан ташқари моддалари жами ҳажмидаги улуши;
 - 2** •**Банкнинг банк тизими иштирокчилари билан ўзаро боғлиқлиги** – банкнинг бошқа банкларда жойлаштирилган активлари ва унинг бошқа банклар олдидаги мажбуриятлари ҳажмининг барча банкларнинг бошқа банклардаги активлари ва бошқа банклар олдидаги мажбуриятлари жами ҳажмидаги улуши;
 - 3** •**Банкнинг қамрови** – банкнинг маҳаллий тўловлар ва ўтказмалар ҳажми ва сонининг, иқтисодиёт тармоқлари кесимида ажратилган кредитлар ҳажмининг, банқдаги жисмоний шахслар ва юридик шахслар омонатлари ҳажмининг банк тизими бўйича тегишли жами кўрсаткичлардаги улушлари ҳамда банкнинг хизмат кўрсатиш нуқталари сони;
 - 4** •**Банк операциялари мураккаблиги** – банкнинг трансчегаравий (халқаро) мажбуриятлари суммасининг республикадаги барча банклар трансчегаравий мажбуриятлари умумий суммасидаги улуши асосида баҳоланади.

1-расм. Тизимли аҳамиятга молик банкларни аниқлаш мезонлари

Манба: расм муаллиф томонидан Тизимли аҳамиятга молик банкларни аниқлаш тартиби тўғрисидаги низом асосида шакллантирилган.

Мамлакатимизда фаолият юритаётган банкларнинг жозибадорлиги ва рақобатбардошлигини оширишга “Ўзбекистон — 2030” стратегиясида ҳам тегишли устувор мақсад ва вазифалар белгиланган. Хусусан, биринчи мақсад сифатида банк ва молия тизимида йиллик кредитлаш ҳажмини 40 миллиард долларга етказиш, банк омонатлари ҳажмини 4 баробар ошириш режалаштирилган.

Республикамида 2024 йил якунлари бўйича, иқтисодиётга ажратилган жами кредитлар 2023 йилга нисбатан 14,3 фоизга ошиб, 287 трлн сўмни ташкил этган. Бунда аҳолига берилган кредитлар 3,8 фоизга ошган (автокредитлар ажратилиши 2,1 баробарга камайган). Автокредитларни ҳисобга олмагандан аҳолига ўтган йилга нисбатан 36,6 фоизга кўпроқ кредит ажратилган. Натижада иқтисодиётдаги жами кредит қўйилмалари қолдиғи 566 трлн сўмга етиб, бунда миллий валютадаги кредитлар қолдиғи 19 фоизга ошган. (2-расм).

Иқтисодиётта ажратилган кредитлар



2-расм. Иқтисодиётта ажратилган кредитлар ҳақида маълумот (Йиғилиш, n.d.).


2024 йилда банклараро транзакциялар сони ўтган йилга нисбатан 31 фоизга, савдо ва пуллик хизматлардан тушумлар эса 29 фоизга ошган, ҳамда трансчегаравий пул ўтказмалари канали орқали мамлакатимизга 2023 йилга нисбатан 30 фоизга кўп, 14,8 млрд долларлик маблағлар кириб келган. (Марказий банк Раиси Т.А. Ишметовнинг 2025 йил 23 январдаги Марказий банк бошқаруви йиғилиши натижалари юзасидан ташкил этилган матбуот анжуманидаги МАЪРУЗАСИ - Ўзбекистон Республикаси Марказий банки).

Банк тизимида жами депозитлар қолдиғи 34,4 фоизга ўсиб, 2024 йил якунида 223,7 трлн. сўмни ташкил этган. Бунда жисмоний шахсларнинг миллий валютадаги муддатли депозитлари қолдиғи йиллик 63,4 фоизга ўсиб, 54 трлн. сўмни ташкил этган. Аҳолининг банклардаги жами депозитлари 2023 йилдаги 79 трлн сўмдан 2024 йилда 113,5 трлн сўмгacha ёки 43 фоизга ошган. (3-расм.)

Ўзбекистонда, хусусий банклар 2024 йилни давлат банкларига қараганда яхшироқ тутатиб, топ 10 рўйхатдан саккизта жойни банд қилган.

Давлатимиз раҳбари Ш.М.Мирзиёев 2023 йил 20 ноябрь куни банк тизимида трансформация ва хусусийлаштириш жараёнлари муҳокамаси бўйича йиғилишда давлат банкларига шунча кўмак берилаётганига қарамай, уларнинг рентабеллиги

хусусий ва хорижий банкларга нисбатан анча паст даражада эканлигини ва давлатга қарашли ҳар бир тижорат банки дунёқарашини мутлақо ўзгартериши кераклигини ҳам таъкидлаб ўтган (Газета.uz, 2023).



3-расм. Депозитлар қолдигининг йиллик ўсиши хақида маълумот(фоизда) (Йиғилиш, n.d.)

Давлат улуши мавжуд 9 та банкдан 3 таси фойда кўрган, яъни давлат банкларидан “Ўзмиллийбанк”, “Ўзсаноатқурилишбанк” ва Халқ банкидан ташқари барчаси 2024 йилни зарар билан якунлаган. Ўзбекистон тижорат банклари 2024 йилда 6 трлн 966 млрд сўм соф фойда олган. 2023 йил билан таққослаганда бу икки баробарга ёки 43,7 фоизга кам.

1-жадвал

Ўзбекистонда давлат улуши мавжуд банкларнинг даромади ҳақида маълумот (Abduvaliev, 2025)

Банк номи	2023 йил даромади (млрд сўм)	2024 йил даромади (млрд сўм)	Ўзгариш (%)
“Ўзмиллийбанк”	1716,5	1722,2	+0,3
“Ўзсаноатқурилишбанк”	911,7	1303,2	+42,9
“Агробанк”	750,9	69,0	-90,8
“Асакабанк”	150,6	41,6	-72,4
Халқ банки	248,5	268,5	+8,1
“Бизнесни ривожлантириш банки” (BRB)	236,0	-223,1	-1045,2
“Микрокредитбанк”	41,1	-1703,8	-425,4
“Алоқабанк”	607,7	190,0	-68,7
“Туронбанк”	57,9	23,2	-60,0

Давлат улуши мавжуд банклар ўтган 2024 йилни 317,2 млрд сўмлик зарар билан якунлаган. Бунга Микрокредитбанк (-1,7 трлн сўм) ва Бизнесни ривожлантириш банкининг (-2,2 трлн сўм) катта миқдорда зарар кўргани асосий сабаб бўлган. Шунингдек, Алоқабанк, Агробанк ва Асакабанкнинг ҳам соф фойдаси 2023 йилга нисбатан кескин камайган.

Соф фойда бўйича ТОП-10 талиқда иккита давлат банки — Ўзсаноатқурилишбанк ва Ўзмиллийбанк қайд этилган. Ўзсаноатқурилишбанк 2023 йилга нисбатан қарийб 43

фоизлик ўсиш билан 1,3 трлн сўм соф фойда олган. Шунингдек, Ўзмиллийбанк (+0,3 фоиз) ва Халқ банки (+8,1 фоиз) молиявий натижасида кичик бўлса-да ўсиш кузатилган.

“Ўзмиллийбанк” – 1,7 триллион сўм фойда (+0,3%), “Ўзсаноатқурилишбанк” – 1,3 триллион сўм фойда (+42,9%), Халқ банки – 268,5 миллиард сўм фойда (+8,1%) кўрган.

2024 йилда республикамизда фаолият юритаётган хусусий банклар йил давомида жами 7,3 трлн сўм соф фойда олган. Давлат улуши бўлмаган банклар орасида Hamkorbank 1,42 трлн сўм соф фойда олган ҳолда етакчи бўлган бўлса, ундан кейинги ўринни Капиталбанк (1,16 трлн сўм) эгаллаган. Шунингдек, Ипак Йўли банки (910,5 млрд сўм) ва Orient Finans банкнинг (901,1 млрд сўм) фойдаси ҳам 900 млрд сўмдан ошган.

Бироқ, нодавлат банкларининг еттитаси 2024 йилни зарар билан якунлаган.

2023 йил билан солиштирганда фойданинг энг юқори ўсиши TBC Bank'да (+748,5) кузатилган. Шу билан бирга Octobank (+101,7 фоиз) ҳамда Uzum Bank (+121,4 фоиз) натижаларида ҳам кескин ўсиш юз берган.

2-жадвал

Ўзбекистонда нодавлат банкларнинг даромади ҳақида маълумот (Abduvaliev, 2025)

Банк номи	2023 йил даромади (млрд сўм)	2024 йил даромади (млрд сўм)	Ўзгариш (%)
“Хамкорбанк”	1200,2	1426,6	+18,9
“Капиталбанк”	1629,7	1155,9	-29,1
“Ипак йўли банк”	740,1	910,5	+23,0
Orient Finans Bank	608,1	901,1	+48,2
TBC bank	40,2	341,0	+748,5
“Трастбанк”	800,3	807,4	+0,9
KDB bank	430,4	526,9	+22,4
Asia Alliance Bank	321,4	400,6	+24,6
“Универсалбанк”	95,5	156,1	+63,5
Uzum bank	38,8	85,9	+121,4
“Ипотекабанк”	818,9	-240,2	-129,3
Ziraat bank	60,0	79,5	+32,4
“Давр банк”	371,4	389,9	+5,0
“Анорбанк”	139,5	190,3	+36,4
Octobank	74,7	150,7	+101,7
Mybank	26,2	7,0	-73,3
Smartbank	2,7	2,1	-23,1
“Ҳаёт банк”	-17,5	-22,5	-28,1
“Тенге банк”	42,6	36,2	-15,0
“Инфинбанк”	250,3	241,7	-3,4
“Пойтахт банк”	16,4	15,0	-8,3
“Гарант банк”	1,3	-64,3	-5243,3
Apex bank	-18,5	-75,0	-304,7
AVO bank	-27,7	-93,3	-236,4
Eurasian Bank	—	-39,1	—

Жадвал маълумотларига кўра, нодавлат банкларнинг еттитаси йилни зарар билан якунлаган. Улар орасида 2023 йилни 800 млрд сўмдан кўпроқ соф фойда билан тугатган

Ипотека банк ҳам бор. Банк 2024 йилда 240 млрд сўмдан қўпроқ зарар қўрган.

Юқорида келтирилган маълумотлар тахлилидан, Топ-10 банклар ичидаги фақат иккита давлат банки борлигини кўришимиз мумкин. Қолган саккизга ўринни хусусий банклар эгаллаган. Бу рақамлар давлат банкларини хусусийлаштириш жараёнини жадаллаштириш зарурлигини билдирум оқда.

Умуман олганда, ҳозирги шароитда хусусий банклар эркин рақобат қилиб, иқтисодий самарадорликка эришишмоқда. Давлат банклари эса қаттиқ назорат ва ортиқча регулятив босим сабабли улардан орқада қолмоқда. Банк тизими самарадорлигини ошириш учун давлат ўзида саноқли банкларни қолдириб, қолганларини хусусийлаштириши зарурлигини олинган натижалар ҳам қайд этмоқда.

Хулоса ва таклифлар.

Умуман олганда, бугунги кунда банк тизимини ислоҳ қилиш орқали аҳолининг молиявий хизматларга бўлган талабини қондириш, инвестиция лойиҳаларини қўллаб-қувватлаш механизмини жорий қилиш, кредит ташкилотларини уларга хос бўлмаган ортиқча юкламалардан озод қилиш орқали маъмурий юкни бартараф этишга эришиш чораларини кўриш зарур;

Тижорат банкларининг бизнес жараёнларини автоматлаштириш, бу жараёнда замонавий ахборот-коммуникация технологияларини кенг жорий этиш ва масофавий банк хизматлари турларини кенгайтириш учун зарур шарт-шароитлар ошириш лозим;

Банк ишида етарли даражада тажриба, билим ва обрўга эга бўлган стратегик инвесторларни жалб қилган ҳолда, қатор тижорат банкларида давлат улушини камайтириш;

Ўзбекистоннинг атроф-муҳитга заар келтирмайдиган ҳудудлари аҳолиси учун яхшиланган ва арzon турмуш шароитларини таъминлаш мақсадида, яшил кредитлашнинг жорий этилиши лозим. Натижада Ўзбекистон аҳолиси ўртасида энергия тежамкор ва кам углеродли уй-жойларга талабнинг ошишига олиб келади.

Демак, банк хизматлари оммабоплигини ошириш ҳамда улардан фойдаланиш имкониятларини кенгайтириш, аҳолининг кредит ва тўлов ташкилотларига бўлган ишончини мустаҳкамлаш орқали аҳоли фаровонлиги, молиявий тизим ва иқтисодий ўсишнинг барқарорлигини таъминлашга ҳамда мамлакатда яширин иқтисодиёт улушининг қисқаришига хизмат қиласи.

Адабиётлар /Литература/Reference:

Abduvaliev Sh. (2025). Банк тизими даромадлилик қўрсаткичлари. [online] Ўзбекистон Республикаси Марказий банки. Available at: <https://cbu.uz/oz/statistics/bankstats/2122799/>

Lex.uz. (2020). ПФ-5992-сон 12.05.2020. 2020-2025 йилларга мўлжалланган Ўзбекистон Республикасининг банк тизимини ислоҳ қилиш стратегияси тўғрисида. [online] Available at: <https://lex.uz/docs/4811025>

Абдуллаева Ш.З. (2017) Банк иши. Дағслик. - Тошкент.: «Iqtisod-Moliya», -732 б.

Азларова А. (2023) Особенности развития банковской системы республики узбекистан на современном этапе. *Economics and Innovative Technologies*, 11 (5), 1-7.

Газета.uz. (2023). Давлатга қарашли ҳар бир тижорат банки дунёқарашини мутлақо ўзгартириши керак — президент. [online] Available at: <https://www.gazeta.uz/uz/2023/11/21/state-banks/>

Йиғилиш (n.d.). Марказий банк асосий ставкаси йиллик 13,5 фоиз даражасида ўзгаришсиз қолдирилди Бошқарув йиғилиши 2025 йил 23 январь. Available at: <https://cbu.uz/upload/iblock/87c/34cw885z4n3q9lpdk3pxthulwrrndgy/Matbuot-anzhuman/>

Кронк Дж. (2019) Цифровая трансформация финансовых услуг - надежное вложение в будущее. URL: https://www.cisc0.c0m/c/dam/m/ru_ru/internet-of-everything-

ioe/iac/assets/pdfs/Cisco_Financial_m.pdf

Мирзиёев Ш. М. (2023) Банк тизимида трансформация ва ҳусусийлаштириш жараёнлари муҳокамаси бўйича йиғилиши. йил 20 ноябрь.

Низом (2023). Тизимли аҳамиятга молик банкларни аниқлаш тартиби тўғрисидаги низом тасдиқланди. [online] Ўзбекистон Республикаси Марказий банки. Available at: https://cbu.uz/oz/press_center/news/867246/

Тоймуҳамедов, И., & Махкамова, Д. (2020). Цифровая экономика и её влияние на банковский бизнес в Узбекистане. Экономика и инновационные технологии, (2), 151–160. извлечено от https://inlibrary.uz/index.php/economics_and_innovative/article/view/1140

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки. (2025). Available at: <https://cbu.uz/oz/financial-stability/banks-list/list/>

Фармон (2022) Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистон тараққиёт стратегияси тўғрисидаги ПФ-60-сонли Фармони, 28.01.2022 йил. <https://lex.uz/docs/5841063>

Фармон (2023) Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон — 2030» Стратегияси тўғрисида Фармони, 11.09.2023 йилдаги ПФ-158-сон. <https://lex.uz/ru/docs/6600413>